

МЕРОС ТРАНСМИССИЯСИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

А.Боисхўжаев

ТДЮУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20743911>

Агар васиятнома ёки қонун асосида мерос олишга чақирилган меросхўр қонун билан белгиланган муддат ичида меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этса, унга тегишли бўлган меросни қабул қилиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига ўтади. Агар марҳум меросхўрнинг барча мол-мулки васиятнома орқали тақсимланган бўлса, бу ҳуқуқ васиятномада кўрсатилган меросхўрларга ўтади (Фуқаролик кодексининг 1140¹-моддаси). Рим хусусий ҳуқуқи даврларидан бошлаб мазкур ҳолат “мерос трансмиссияси” деб аталади¹.

Мерос трансмиссияси институти илк бор ЎзССРнинг 1964 йилдаги Гражданлик кодексига ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган. Кейинчалик ФКда мазкур институт сезиларли даражада такомиллаштирилди. Айниқса, мерос очилганидан кейин вафот этган меросхўрнинг меросни қабул қилиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ мерос муносабатларини аниқ ажратиш кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти шундан иборатки, мерос очилгандан кейин мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этади. Натижада унинг ўрнига мерос олишга унинг ўз меросхўрлари чақирилади. Яъни, меросни қабул қилиш ҳуқуқи марҳум меросхўрнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Бошқача айтганда, мерос трансмиссиясининг мазмуни қуйидагиларда намоён бўлади:

– мерос олишга чақирилган ва бу ҳуқуққа эга бўлган меросхўр меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этади;

– ушбу меросхўрга тегишли бўлган меросни қабул қилиш ҳуқуқи унинг ўз меросхўрларига ўтади ва улар марҳум меросхўрнинг ҳуқуқий ўрнини эгаллайди.

Шундай қилиб, мерос трансмиссияси – бу меросни қабул қилишга улгурмаган меросхўрнинг вафоти муносабати билан унинг меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтишида намоён бўлади².

Бу ҳолатда мерос олишга чақирилган, аммо меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этган шахс трансмиттент деб аталади. Унинг меросни қабул қилиш ҳуқуқи ўтадиган шахс эса трансмиссар деб юритилади.

Мерос трансмиссиясининг ҳуқуқий моҳияти уни мерос ҳуқуқидаги айрим ўхшаш институтлардан фарқлаш имконини беради. Масалан, уни қуйидаги ҳолатлардан ажратиш қараш лозим:

- меросхўрни олдиндан тайинлаш тартибида мерос олиш;
- тақдим этиш ҳуқуқи бўйича мерос олиш;

¹ Казанцева А. Е. Правовые проблемы наследственной трансмиссии // Вестник. 2012. – № 3. – С. 128.

² Алешина А.В. Структура коллизионной нормы: теоретические и практические аспекты // Право в современном мире: вопросы теории, истории и практики: Сборник научных статей по материалам Международной научно-практической конференции 26 апреля 2012 г. – СПб.: РГПУ им. А.И.Герцена, 2012. – С. 62.

– мерос улушларининг қўшилиши (приращение) тартибида мерос олиш.

Мерос трансмиссияси васиятнома ёки қонун асосида мерос олишга чақирилган меросхўр мавжуд бўлган тақдирда юзага келади. Меросни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр вафот этганида, унинг мерос улуши тақдири масаласи ҳал қилиниши лозим бўлади.

Мерос трансмиссияси институти трансмиттентнинг ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида унинг меросхўрларини меросга чақиришни таъминлайди. Агар трансмиттентнинг ўрнига унинг меросхўри – яъни трансмиссар келса, мерос трансмиссияси юзага келади. Бу қоидага кўра, трансмиссарга трансмиттентга тегишли бўлган меросни қабул қилиш ҳуқуқи ўтади. Агар трансмиттент барча мол-мулкни васиятнома орқали мерос қилиб қолдирган бўлса, ушбу ҳуқуқ унинг васиятнома бўйича меросхўрларига ўтади, акс ҳолда эса қонун бўйича меросхўрларига ўтади³.

Шу тариқа, трансмиссар сифатида қуйидаги шахслар эътироф этилади:

1) трансмиттентнинг васиятнома бўйича меросхўрлари ёки бир вақтнинг ўзида икки асос бўйича мерос олувчилар, яъни мол-мулкнинг бир қисми бўйича васиятнома асосида, бошқа қисми бўйича эса қонун асосида мерос олувчилар;

2) агар трансмиттент барча мол-мулкни васиятномада кўрсатган бўлса, унинг васиятнома бўйича меросхўрлари.

ФКнинг 1122-моддасига мувофиқ, васият қилувчи шахс васиятномада қўшимча меросхўрни тайинлаш ҳуқуқига эга. Бу қўшимча меросхўр биринчи навбатда мерос олишга чақирилган меросхўр меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этган тақдирда унинг ўрнига мерос олиш учун белгиланади. Бундай ҳолатда васиятномада бошқа меросхўрни олдиндан тайинлаш тўғрисидаги кўрсатма мавжуд бўлса, мерос трансмиссияси қоидалари қўлланилмайди. Бу қоида ФКнинг 1122-моддасида бевосита назарда тутилган бўлиб, у васиятнома бўйича мерос олиш билан қонун бўйича мерос олишни аниқ фарқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Меросни қабул қилиш эркинлиги тамойили трансмиссарга нафақат меросни қабул қилиш, балки ундан воз кечиш ҳуқуқини ҳам беради. Қонун меросни қабул қилиш ҳуқуқи билан ундан воз кечиш ҳуқуқини алоҳида тартибга солган бўлса-да, мерос ҳуқуқи ягона ҳуқуқ сифатида намоён бўлади. Мерос трансмиссиясининг объекти эса трансмиттентга тегишли бўлган мерос ҳуқуқи ҳисобланади ва у айнан шу ҳажмда трансмиссарга ўтади.

Мерос ҳуқуқининг мазмунини амалга ошириш усулларини белгилашда меросни қабул қилиш ҳуқуқи ва меросдан воз кечиш ҳуқуқини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода мерос трансмиссияси мерос ҳуқуқини амалга оширишнинг алоҳида ҳуқуқий механизми сифатида намоён бўлади⁴.

Қонунга мувофиқ, трансмиссарларга вафот этган меросхўр – трансмиттентга тегишли бўлган меросни қабул қилиш ҳуқуқи ўтади. Бу эса

³ Гладченко И. Т. Защита законных интересов потомков лиц, признанных недостойными наследниками // Система и механизмы международно-правовой защиты прав человека. – СПб.: Астерион, 2013. – С. 169.

⁴ Мироненко Ю. Наследственная трансмиссия // «ЭЖ-Юрист». 2013. – № 43. – С.5.

шуни англатадики, трансмиттентнинг меросхўрлари мерос сифатида фақатгина трансмиттент тирик бўлганида қабул қилиши мумкин бўлган мерос улушинигина олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бошқача айтганда, трансмиттентга тегишли бўлган мерос қисми унинг меросхўрларига айнан шу ҳажмда ўтади. Ушбу ҳолат мерос ҳуқуқида “тақдим этиш ҳуқуқи бўйича мерос олиш” институтидаги мерос улушининг ўтишига ўхшашдир.

Бироқ айрим ҳолатларда бу мерос улушининг тақсимланиш тартиби турлича бўлиши мумкин. Агар трансмиттентга тегишли бўлган мерос улуши унинг қонун бўйича меросхўрларига ўтса, у ҳолда бу улуш улар ўртасида тенг қисмларга бўлинади. Агар ушбу улуш трансмиттентнинг васиятнома бўйича меросхўрларига ўтса, у ҳолда мерос улуши қонунчиликда назарда тутилган қоидалар асосида тақсимланади⁵.

Мерос трансмиссиясининг объекти билан боғлиқ шарт ҳам муайян чекловларга эга. ФКнинг 1140¹-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, мерос очилганидан кейин вафот этган меросхўр (трансмиттент) мажбурий улушга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, бу ҳуқуқ бошқа шахсларга ўтмайди. Бундай чеклов мажбурий улуш институтининг алоҳида ижтимоий ва ҳуқуқий вазифаси билан изоҳланади. Чунки мажбурий улушнинг мақсади – мерос қолдирувчининг айрим яқин шахсларини, ҳатто васиятнома мавжуд бўлган тақдирда ҳам, моддий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Шунинг учун мерос қолдирувчи ўз васияти орқали айрим шахсларни меросдан маҳрум этган тақдирда ҳам, мажбурий улушга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқи сақланиб қолади. Мажбурий улуш шахсга шахсан тегишли бўлган ҳуқуқ ҳисобланади ва уни бошқа шахсларга ўтказиш мумкин эмас. Яъни, мерос қолдирувчининг васиятномасига қарамасдан, қонун мажбурий улушга эга бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Мерос трансмиссиясининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, мазкур тартибда меросни қабул қилиш ҳуқуқи трансмиттент вафот этганидан кейин очиладиган мерос таркибига кирмайди. Демак, трансмиттентнинг меросхўрлари бу ҳуқуқни унинг мерос таркибидаги мулк сифатида эмас, балки мустақил ҳуқуқ сифатида амалга оширадилар.

Биринчидан, бу ерда икки хил мерос муносабати мавжуд:

- биринчи мерос – дастлабки мерос қолдирувчидан очилган мерос;
- иккинчи мерос – трансмиттент вафот этганидан кейин очилган мерос.

Шу сабабли, шахслар биринчи меросда трансмиссар сифатида иштирок этаётган бўлса, иккинчи меросда улар оддий меросхўр сифатида қатнашадилар. Бу икки ҳолат бир-бири билан тўлиқ бирлашмайди ва улар турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, муайян трансмиссар биринчи меросдан воз кечса, бу автоматик равишда унинг иккинчи меросдан ҳам воз кечганини англатмайди. Худди шу тартиб меросни қабул қилиш ҳаракатларига ҳам тааллуқлидир. Агар трансмиссар биринчи

⁵ Лисицына Е.А. Наследственная трансмиссия // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Право. 2011. – № 40 (257). – С. 97.

меросни қабул қилса, бу ҳолат унинг трансмиттент вафот этганидан кейин очиладиган иккинчи меросни ҳам автоматик равишда қабул қилганини англамайди⁶.

Мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгарлик масаласини ҳал этишда ҳам худди шу тамойилга амал қилиш лозим. Масалан, иккинчи мерос бўйича кредиторлар талаблари бўйича қарзларни ундириш трансмиссар томонидан қабул қилинган ва трансмиттентга тегишли бўлган биринчи мерос улушига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, мерос трансмиссияси – бу мерос олишга чақирилган шахс меросни қабул қилишга улгурмасдан вафот этган тақдирда, унинг меросни қабул қилиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ ҳуқуқий институтдир. Бу ҳолатда мерос марҳум меросхўрга тегишли бўлган ҳажм ва доирада унинг меросхўрларига ўтади.

Шу маънода, мерос трансмиссияси мерос ҳуқуқида мустақил ва ўзига хос ҳуқуқий конструкция ҳисобланади. У мерос қолдирувчи ҳаётлигида қабул қилинмаган, аммо меросхўр унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлган мулкнинг кейинчалик унинг меросхўрларига ўтишига хизмат қилади.

⁶ Репетунова, А. Д. Наследственная трансмиссия: понятие и сущность / А. Д. Репетунова. – Текст : непосредственный // Новый юридический вестник. 2020. – № 10 (24). – С. 20-21. — URL: <https://moluch.ru/th/9/archive/182/5734>.